

## **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАҲДИДЛАРГА БАРДОШЛИЛИК ДАРАЖАСИ**

**Раматов Джуманиёз Султонович**

ТДТРУ Ижтимоий фанлар кафедраси мудир,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Баратов Рашит Ўсарович,**

ТДТРУ доценти

### **АННОТАЦИЯ**

*Мазкур мақолада XXI асрга келиб мамлакатлар тараққиёти ташқи сиёсатда ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчиллик билан амалга ошириш энг муҳим масалалардан бир бўлиб қолмоқда. Ўзгараётган дунё иқтисодиёти, ижтимоий, сиёсий аҳволи айнан чуқур ўйланган ташқи иқтисодий алоқаларга боғлиқ эканлиги очиб берилган.*

***Калим сўзлар:** Сиёсат, таҳдид, таҳдидбардошлик, интеграция, ташқи сиёсат, тамойил, ислоҳот, дипломатия*

### **ABSTRACT**

*In this article, the development of countries by the 21st century is one of the most important issues of consistent implementation of mutually beneficial cooperation in foreign policy. It is revealed that the changing economy, social and political situation of the world depends on carefully thought out foreign economic relations.*

***Keywords:** Politics, threat, threat resistance, integration, foreign policy, principle, reform, diplomacy*

### **КИРИШ**

**2022 йил 28 январь** куни “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги **ПФ-60** сонли Фармони қабул қилинди. Тараққиёт стратегияси Ҳаракатлар стратегиясидан фарқли ўлароқ **7 та** (Ҳаракатлар стратегиясида **5 та** устувор йўналиш бор эди) устувор йўналиш ва **100 та** мақсадни ўз ичига олган вазифалар мавжуд. Йўналишларнинг мазмун-моҳиятига эътибор берилса, инсон ва унинг кадр-қиммати бирламчилиги яққол намоён бўлади. Биринчи устувор йўналиш “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” деб номланган бўлиб, бу йўналиш **12 та** мақсадни ўз ичига олган. Иккинчи устувор йўналиш “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” бўлиб,

бу йўналиш 8 та мақсаддан иборат, 3. Учинчи устувор йўналиш “Миллий иқтисодий таъминлаш жадвал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” дейилади ва у 16 та мақсад асосида амалга оширилади. Тўртинчи устувор йўналиш “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” айнан инсонларни фаровон яшашига бағишлангани эътиборга олиниб, 34 та мақсадни ўз ичига олган. Бешинчи устувор йўналиш эса “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш” деб номланган ва 8 та мақсадни қамраб олган. Олтинчи устувор йўналиш “Миллий манфаатлардан келиб келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш” дейилади ва 10 та мақсаддан иборат вазифалар қўйилган. Ва ниҳоят мавзуимизнинг марказида бўлган еттинчи устувор йўналиш “Мамлакатимиз хавфсизлиги ва муҳофаза салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш” деб номланган ҳамда ушбу йўналишни амалга ошириш учун 12 та мақсад илгари сурилган.

Мазкур 12 та мақсадларни таҳлил этадиган бўлсак, мамлакатимиз муҳофаза қобилиятини кучайтириш, мамлакатни халқаро муносабатлардаги тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги ролини ошириш, Марказий осий давлатлари билан яқин қўшничилик алоқаларини юқори даражага олиб чиқиш, жаҳон ҳамжамиятида мамлакат имиджини юксалтириш, ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби устувор вазифаларни кузатиш мумкин. Мамлакатимизни истиқболда тараққий этишида ташқи ва ички таҳдидлар мавжудки, бундай мақсадлар белгилаб қўйилган.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Кейинги йилларда эътибор берилса, юртимизда инсон ва унинг фаровон турмушига қаратилган ислохотлар кенгаётганига гувоҳ бўламиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йилни — «**Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили**» деб ном берилди. Зеро, халқ бой бўлса, мамлакат барқарор ва қудратли бўлади. Афсуски, мамлакатимиз турли таҳдидлардан холи эмас. Айниқса, кейинги пайтда дунёда содир бўлаётган воқеалар кўпчиликти ўйлантираётгани турган гап.

“Таҳдид” феномени, унинг сиёсий жиҳатлари сайёрамизнинг турли мамлакатларида ижод қилаётган замондош таҳлилчилар ҳамда сиёсий ва жамоат арбобларининг эътиборини ҳам ўзига тортиб келмоқда. Шу жумладан, Рейшауер, Нибур, Хантингтон, Киссинжер (АҚШ), Тойнби (Англия), Турен (Франсия), Моисеев (Россия), қолаверса “Рим клуби” ва Пагуош тинчлик ҳаракати каби илмий-амалий муассасалар раҳбарлари ва фидоийлари

фаолиятини мисол тариқасида келтириш мумкин. “Таҳдид” тушунчаси тўла маънода сиёсий лексиконга Президент И.Каримов томонидан 1994-йил 22-сентябрда сўзлаган нутқида биринчи бор киритилди.

Шундай экан, мамлакатимизда “Таҳдид” ва уни баратаф қилишнинг илмий ва амалий асосларини очиб бериш, уларга чуқур таҳлил бериш бевосита Ислам Каримов номи билан боғланган. Таҳдидлар турли-туман: ички ва ташқи, катта ва кичик, макон нуқтаи назаридан эса узоқ ва яқин бўлиши мумкин. Қандай бўлишидан қатъий назар уларга нисбатан бамайлихотирликка йўл қўйиш ёки уларни “саралаш” билан овора бўлиб вақтни бой бериш ҳоллари учраб туради. XX аср воқеалари шундан гувоҳлик бериб турибдики, таҳдидларни тоифалашда уларни шартли равишда иқтисодий, сотсиал, сиёсий, экологик, демографик, мафкуравий, ҳарбий, табиий – иқлимий ва маънавий таҳдидларга ажратиш кўриш ва таҳлил этиш мумкин.

Бугунги кунда дунёнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги интеграциялашуви ҳамда глобаллашув жараёни шиддатли тус олган бир даврда турлича таҳдидларнинг ҳам ортиб бораётганлиги барча минтақа ва давлатларни ташвишга солаётган долзарб муаммолардан биридир. Айниқса, виртуал оламда ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланмаган ёшлар, шунингдек, ўз қатъий фикри ва позициясига эга бўлмаган одамларни ўз домига тортиб кетадиган, дин ёки хориждаги эркинликни (агар мавжуд бўлса) ниқоб қилиб олган турли гуруҳларнинг даъватлари жаҳондаги кўплаб мамлакатларда ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқармоқда. Натижада миллий, этник, диний, худудий, сиёсий ва ҳарбий аҳамият касб этган можароларнинг сони кундан кун ортиб, давлатлар мустақиллигига таҳдид солмоқда. Бундай жирканч курашларда эса виртуал тизим турли сиёсий кучларнинг асосий қуролига айланган.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси 36 миллиондан ошди. Энг асосийси, мамлакат аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғини ёшлар ташкил этади. Бу бир томондан мамлакатимиз йирик инсон капиталига эга давлат ҳисобланса, иккинчи томондан ўсиб келаётган фарзандларимизни юртимиз фаровонлиги учун қайғуриш ҳиссида тарбиялаш ҳамда уларга замонавий кас-ҳунарларни чуқур ўргатишдек муаммоларни бартараф этиш масаласи кун тартибига чиқмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, юртимизда таълимнинг барча босқичларини янада ривожлантириш бўйича кенг кўламда истиқболли ислоҳотлар бошлаб юборилган.

Ҳозирги даврда виртуал тизимдан олинаётган ахборотларга танқидий ёндашиш ва унинг фойдали манбалари асосида ўз дунёқарашини кенгайтириш, ғаразли маълумотларни инкор эта билиш идрокени, мафкуравий иммунитетни

ҳосил қилиш ҳам тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Масаланинг эътиборли жиҳати шундаки, жамият барқарорлигини таъминлашда виртуал таҳдидларни олдини олиш муаммоси XXI аср бошига келиб энг муҳим масалага айланиб бормоқда.

Сиёсий фанларда — виртуал таҳдид тушунчаси таъриф-таснифига катта эътибор берилишининг сабаби кейинги постиндустриал жамиятда ахборот-коммуникацион технологиялари тизимидаги ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-маданий трансформация талабларини ўзгариши билан характерланади. Дунё олимлари томонидан ҳозирги давргача жамият сиёсий барқарорлигига виртуал таҳдидлар таъсири муаммосининг методологик асосига доир кўплаб назария ва концепциялар яратилган. Ҳозирги кунда умумжаҳон миқёсидаги жадал ривожланиш ва ўзгаришлар сайёрамизнинг жуда катта майдонида сиёсий кескинликларни келтириб чиқармоқда. Дунё сиёсий харитасининг тубдан ўзгариши ҳудудий, ижтимоий, экологик, диний ва демократик муаммоларнинг кескинлашуви сабаб бўлибгина қолмасдан, энди оёққа туриб келаётган ўрта ва кичик давлатларни ташвишга солиб қўймоқда.

Айниқса, XX асрнинг ҳукмрон ижтимоий омилларидан бири десекулизация омили XXI асрнинг дастлабки йилларидан ҳам ижтимоий омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Бунинг исботи сифатида бугунги кунда бир бутун дунёда кишилар диний ақидаларини нарироқ суриш ўрнига, диний мансубликни янада кучлироқ ҳис этмоқдалар. Бу ҳолат виртуал оламда ҳам ўзига хос шаклда намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодга ўзларининг мустаҳкам фуқаролик позицияларини янада шакиллантиришда бир қатор сиёсий мазмунда ёзилган ва бугунги геосиёсий вазият ҳақида етарлича маълумот берадиган асарларни ўқишини тавсия бериб ўтамиз. Булар, Збигнев Бжезинскийнинг “Буюк шахмат тахтаси”(2022), Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг “Дунё янада одил бўлиши мумкин” (2022), Питер Ҳопкиркнинг “Катта ўйин Икки империя тўқнашуви”(2022), Роберт Гриннинг “Ҳокимиятнинг 48 қонуни” (2019), Григорий Петровнинг “Оқ нилуфарлар юртида” (2021), Ли Мён Бакнинг “Мўъжиза содир бўлмайди” (2021), Дарон Ажемўғли ҳамда Жеймс А. Робинсонларнинг “Мамлакатлар таназзули сабаблари” (2021), Рамита Наваининг “Ёлғонлар шаҳри” (2020), Густав Лебоннинг “Омма Психологияси” (2021) ва Самуэл Хантингтоннинг “Цивилизациялар тўқнашуви”(2021) китобларидир.

Мамлакатимизда аҳоли, хусусан, ёшлар орасида китобхонлик маданиятини кенг тарғиб этиш юзасидан қувонарли ишлар амалга оширилмоқда. Муҳтарам

Президентимизнинг 2022 йил чоп этилган “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли китоби юртимизни 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор вазифалар ҳамда уларни амалга ошириш истиқболлари ёритилган. Ушбу китоб ҳам китобхонда мамлакатимизнинг сиёсий позицияси ҳақида чуқур маълумот тақдим эта олади дея оламиз.

Мамлакатимиз пойтахти – Тошкент шаҳрида 2021 йил 15-16 июль кунлари «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Аввало, нега айнан ушбу конференцияни тилга оляпмиз? Сабаби, айнан мана шу конференцияда минтақада сиёсий таҳдидларга қарши тура оладиган позициялар муҳокама қилинган бўлиб, ушбу конференцияда Шавкат Мирзиёев минтақавий ўзаро боғлиқликнинг мутлақо янги назариясини илгари сурди. Унга кўра Юртбошимиз минтақавий ўзаро боғлиқликнинг учта асосий қисмини таъкидлаб ўтган. Булар, геосиёсий, геоиқтисодий ва геоцивилизациявий асосларини санаб ўтганлар. Ҳақиқатда глобллашувнинг шиддатли тус олиши дунёнинг ҳар қандай нуқтасида сиёсий беқарорлик бошқа мамлакатлар сиёсий барқарорлигига озми кўпми ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Зеро, барча соҳалардаги интеграциялашув, ўзаро боғлиқлик бунинг асосий омилдир.

Ўзбекистонимиз ўзининг мустаҳкам ташқи сиёсий позициясини танлаб олган ва бу йўлдан оғишмай келмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқий тамойилларга ва Конституциямизга, мамлакатимиз ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга тўлиқ мос ҳолда амалга оширилмоқда". "Биз бундан буён ҳам ташқи сиёсатимизни олиб боришда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепциясида белгиланган стратегик вазифалар ва устувор йўналишларга таянамиз. Биз ўзимиз танлаган, тинчликпарварликка асосланган, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий воситалар билан ҳал этишга қаратилган йўлга доимо содиқмиз", дея таъкидлаган давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда кўпчиликни ташвишга солаётган яна бир масала Россия-Украина можораси десак муболаға бўлмайди. Бу икки давлат билан Ўзбекистоннинг ўзаро алоқалари мавжудлиги мазкур уруш мамлакатимиз иқтисодиётига ўз таъсирини ўтказмасдан қолаётганини билдиради. Лекин Ўзбекистон мазкур урушга ўз муносабатини билдириб, Ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, бошқа давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектларининг Ўзбекистон ҳудудида жойлашувига, ҳарбийларимизнинг чет

эллардаги операцияларда иштирок этишига йўл қўймаслик давлатимизнинг қатъий сиёсий позицияси бўлиб қолади дейилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади. Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва худуди дахлсиз ва бўлинмасдир” деб белгилаб қўйилган бўлса, IV боб 17-моддасида “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин” дея белгилаб қўйилган. Бу шуни англатадики, ҳар қандай ҳолатда Ўзбекистон кескинликка боришдан тийилади ва вазиятларни тинч йўл билан ҳал этиш чоралари тарафдори сифатида майдонга чиқади.

Замоннинг шиддатли тус олиши, технологик тараққиёт инсониятда цивилизациявий онгни ўсишига сабаб бўлди. Цивилизациявий онгнинг ўсиши Бўлиниш чизиғидаги урушлар кучайиши, кенгайиши, турғунлиги билан характерли бўлиб, камдан-кам ҳолларда якуни ижобий ҳал этилган.

Бу жараёнлар одатда биринма-кетин бошланиб, тез-тез такрорланиб туради. Оммавий норозиликлар сингари Бўлиниш чизиғидаги урушлар бошланганидан сўнг икки томон ҳаётини хавфга қўяди ва жангу жадал томонлар ҳаракатига қараб аланга олади. Бунинг олдиндан мавжуд бўлган бир қанча тасодифий хусусиятлари йиллар давомида тобланди. Жамоавий можаролар шартли равишда шахсиятга дахлдор уруш деб аталади. Зўравонлик кучаяр экан, инсониятга қарши бўлган норозиликлар тоборо ортиб борар экан, гуруҳлар бирлашиши ва уларнинг мажбуриятлари ошиб боради.

Бу можароларнинг сабаби тезлик билан ошкор бўлади. Сиёсий раҳбарлар цивилизациянинг хусусиятларига таянган ҳолда этник ва миллий мурожаатларини кенгайтирадилар, шунингдек динга бўлган садоқатни кучайтирадилар, натижада цивилизациявий онг кучайтириб боради. Айни пайтда ўзаро кўрқув, ишончсизлик ва нафрат мавжуд бўлган халқаро муносабатлардаги “Хавфсизлик дилеммаси” ва у билан таққослаш учун

“Нафрат динамикаси” пайдо бўлди. Ҳар икки яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги фарқларни драматик тарзда намойиш этади, бу кескинликни оширади, ўлим ва тезлик ўртасидаги фарқлар бир-бири билан боғлиқ эканини кўрсатади.

Энди бевосита мамлакатимизга таҳдидларнинг яна бир ҳамда энг асосийси ҳисобланган ахборот хуружлари ҳақида гаплашамиз. Бугунги таҳликали замонда, глобаллашув даврида, айниқса, ғоялар кураши кескин тус олган пайтда асосли, ҳаётий, самарали тарғибот ва ташвиқот халқни ишонтиради, руҳлантиради, улуғ ва кутлуғ мақсадлар сари илҳомлантиради.

Ўзбекистонда қурилаётган фуқаролик жамияти, ҳаётимизга кириб келаётган модернизация жараёнлари ва ислоҳотлар самараси энг аввало ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилганлиги билан жуда муҳимдир. Глобаллашув жараёнида демократик нуқтаи-назардан янгиланаётган, ўзгараётган ҳаёт ёшларимизни ўзига хос синовдан ўтказмоқда.

Жамиятнинг келажаги ёшлар билан боғлиқ ва улар тараққиётнинг асосий кучи ҳисобланиши президентимиз томонидан таъкидлаб келинмоқда. Ўз навбатида ёшларимиз ҳам илм-фан ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари билан давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликка муносиб жавоб бермоқдалар. Ёшларга доир олиб борилаётган давлат сиёсати: бу борада мавжуд қонунчилик, янги қарорларнинг қабул қилиниши ва ислоҳотларнинг амалга оширилиши мустаҳкам кучли таянч бўлмоқда. Ўзбекистонда ёшларга мамлакатнинг келажаги сифатида эътибор берилиб, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун қулай шароитлар яратиб келинмоқда. XXI асрда мафкуравий курашларнинг ақл бовар қилмайдиган кўринишлари пайдо бўлмоқда.

Маърифатпарвар адиб Фитратнинг “Бу дунё кураш майдонидир. Соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ бу майдон қуролидир”, - деган сўзлари ҳам бежиз эмас. Агар озгина паришон бўлинса, ташқи ёт кучлар бундан устамонлик билан фойдаланиб, омма онгини заҳарлаши, турли оқимлар томон оғдириши, йўлдан оздириши ҳеч гап эмас, жангда сен душманни отмасанг, у сени отади.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф – хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота – онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота- оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу

масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. “Болаларимизни бировларнинг кўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим”.

Ҳеч бир халқнинг миллий-маънавий анъаналарига асосланмаган, фақат инсоний ахлоққа терс ҳаёт тарзига чақирувчи “оммавий маданият” шундай кўринишлардан биридир. Бугун ёшларнинг 90 фоиздан ортиғи асосий ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат қилмоқда. Айни пайтда тизимда ўз жонига қасд қилишнинг осон йўллари тарғиб қилувчи 10 мингдан зиёд сайтлар мавжуд. Компьютер ўйинларининг аксарияти зўравонлик ва ёвузликни тарғиб қилувчи ўйинлардан иборат. Халқаро экспертлар дунё миқёсидаги болаларнинг 38 фоизи зўравонлик руҳидаги сайтларни, 26 фоизи эса миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб боришларини аниқлашган. Ҳозирги жаҳон медиа бозорининг тўртдан уч қисмини ғарб телевизион дастурлари эгаллаган. Уларнинг маъносиз, ғайритабиий мусиқа ва кўшиқларига кўпчилик тақлид қилаётгани ачинарли ҳолдир.

Хорижда ишлаб чиқарилаётган кийимларда акс эттирилган маъносиз сўзлар ёки ёвузликка чорловчи суратларларнинг маъно ва мазмунини билмаган ҳолда ота-оналар фарзандларига олиб бермоқдалар. Бу эса ёшлар онги ва феълига ўзлари билмаган ҳолда салбий таъсир ўтказмоқда. Глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир. Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг гоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли кадриятларнинг умуминсоний негизида уйғунлашуви, цивилизациялар аро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда.

Ахборот оламининг глобаллашув жараёни ҳаётимизнинг бугунги шиддатига мос равишда янада ривожланишини ҳеч ким инкор этмайди. Бугун биз ҳаётимизни компьютер-техникасиз тасаввур қила олмаймиз. Олимлар ҳатто инсон миясидаги фикрни ўқийдиган, уни керакли йўналишга бура оладиган ақлли машиналар, буюртма биологик организмларни вужудга келтиришга қодир сунъий қурилмалар ихтиро қилиш устида ҳам бош қотирмоқдалар.



Лекин бу ихтиролар келгусида нимага хизмат қилиши, ёшлар онги ва тафаккурига, одоби ва тарбиясига, Ватан, миллат олдидаги масъулиятига қандай таъсир кўрсатиши устида камроқ фикр юритилмоқда. Энг ёмони шундаки, лоқайдлик ва бепарволикнинг ўзи бугунги кунда катта хатарга айланмоқда. Ана шундай эътиборсизлик, лоқайдлик натижасида бугун ёшларнинг “оммавий маданият” га эргашишлари кўп учрамоқда. Бунинг олдини олиш учун оиладан бошлаб мактаб, маҳалла ва меҳнат жамоасигача бўлган барча тарбия институтлари ўзаро ҳамжиҳатликда изчил иш олиб боришлари зарур. Шу билан бирга, миллий қонунчилигимизда ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялаш механизмлари шаклланиши лозим. Даврнинг шиддат билан ўзгариши натижасида кечаги кун болалари билан ҳозиргилари ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Бу фарқ уларнинг мактаб ёшидан бошлаб компьютерда ишлай олишлари, техникани ўзлаштиришда яққол сезилмоқда.

Лекин “Интернет” деб ёзиб қўйилган кафеларга серқатнов бўлиб қолган болаларнинг ҳаммасини ҳам “Билим ўрганяпти” деб бўлмайди. Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тезкорки, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга эканлигини президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида исботлаб берган. Бугунги кунда ёшларимиз ўқув даргоҳларида, радио-телевидения, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ранг баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Ахборот майдони кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизни онгини ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма деб бир томонлама тарбия бериш бизнинг эзгу мақсадларимизга тўғри келмайди.

## **ХУЛОСА**

Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умумиллий қадриятларга ҳурмат эҳтиром туйғусини шакллантиришимиз зарур. Тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбияни кучайтиришимиз мақсадга мувофиқдир. Барчамизга аён бўлиши керакки, қаерда бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзи бўларчилиқка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ҳозирги вақтда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар

рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқимизда “Яхши бола юрт тузар, ёмони элни бузар” деган пурҳикматли гап бор. Юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётни асраш, унинг мустақиллиги ва барқарорлигига муносиб ҳиссамизни қўшиш ҳар биримизнинг, шу азиз Ватанда яшаётган барча фуқароларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоғи лозим. Мустақиллигимизни асраб-авайлашга чорлайди. Муҳими, тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат бор экан, ўз орзу-мақсадларимизга албатта эришамиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)**

1. Раматов, Ж.С., Баратов, Р.Ў., Кушаков, Файзулла Абдуллаевич, Валиев, Л.А., & Хасанов, М.Н. (2022). ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ МИСОЛИДА). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (9), 606-612.
2. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Jurabayev, N., & Artikova, B. (2022, June). Constructive and optimal solutions for the formation of a stable ecological situation in the Aral Sea region of Uzbekistan. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 030113). AIP Publishing LLC.
3. Baratov, R. (2021). Prospects of Higher Education System (on the Example of Uzbekistan). *International Journal on Orange Technologies*, 3(3), 128-131.
4. Баратов, Р. Ў. (2022). ТРАНСПОРТ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 1), 90-95.
5. Baratov, R. U. (2019). INTEGRATION OF A SCIENCE, FORMATION, AND MANUFACTURE IN THE COURSE OF PROFESSIONAL TRAINING. In *ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПОЛИТОЛОГИЯ, СОЦИОЛОГИЯ, ФИЛОСОФИЯ, ИСТОРИЯ* (pp. 51-54).
6. Baratov, R., & Uzbekova, S. (2022). INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRODUCTION IN THE PROCESS OF TRAINING. *World scientific research journal*, 4(2), 7-11.
7. Baratov, Rashid, and Sadokat Uzbekova. "INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRODUCTION IN THE PROCESS OF TRAINING." *World scientific research journal* 4.2 (2022): 7-11.

8. Ramatov, J., Baratov, R., Jurabayev, N., Umarova, R., & Mamajanova, G. (2022, June). Evolution of railway construction development in Uzbekistan: Past and prospects. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2432, No. 1, p. 030011). AIP Publishing LLC.
9. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Khasanov, M., Sultonov, S., & Kushakov, F. (2022). PROBLEMS OF INFLUENCE OF ISLAM ON CONSCIOUSNESS TRANSFORMATION. *Academic research in educational sciences*, 3(10), 591-597.
10. Baratov, R., Nuriddinov, S., Tokhtaboev, E., & Achilova, G. (2022, June). " One belt-one road" initiative-as a modern transport logistics. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2432, No. 1, p. 030058). AIP Publishing LLC.
11. Абдурашидова, Нилуфар Абдурашидовна, & Ҳасанов, М. (2022). ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИДА ДИН ВА АХЛОҚНИНГ ЎЗARO МУТАНОСИБЛИГИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10), 1226-1235.
12. Раматов, Ж. С., Валиев, Л. А., & Хасанов, М. Н. (2022). XIX АСРДА ҲИНДИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ЖАРАЁНЛАР. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(6), 1070-1078.
13. Ж. С. Раматов, & М. Ҳасанов (2022). ШАХС ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ИЛМНИНГ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (7), 35-39.
14. Жуманиёз Султонович Раматов, Машкура Инамжанована Рахимова, & Миршод Нўъмонович Ҳасанов (2022). МАҲКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (6), 1031-1036.
15. З. Н. Бобошев, М.Н.Ҳасанов, & Э.А.Нуруллаев. (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ АСОСЧИСИ СИФАТИДА . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 108–115. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/623>
16. Ж. С. Раматов, М. Ҳасанов, & Лочин Азаматович Валиев (2022). АУРОБИНДО ГҲОШ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАЛСАФИЙ МЕЪРОСИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (6), 1161-1169.
17. М.Н.Ҳасанов, А.А.Азимбаев, Ҳалилов Ў., & Каримов Б. (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 147–153. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/new/article/view/629>

18. Ж. С. Раматов, & М. Ҳасанов (2022). МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИЩДА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (6), 952-956.
19. Ramatov, J.S., & Khasanov, M.N. (2022). ANALYSIS OF THEORETICAL MODEL OF INNOVATION INVOLVEMENT IN EDUCATIONAL PRACTICE. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 937-942.
20. Раматов, Ж. С., Муратова, Д., Султанов, С. Ҳ., Тухтабоев, Э., Кушаков, Ф., & Хасанов, М. Н. (2022). ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА ҚАДРИЯТЛАР ПЛЮРАЛИЗМИ. *World scientific research journal*, 8(1), 102-108.
21. Ж. С. Раматов, Л. А. Валиев, & М. Н. Хасанов (2022). АУРОБИНДО ГҲОШ ТАЛҚИНИДА ИНСОН БОРЛИҒИНИНГ АНТРОПОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (6), 688-695.
22. Жўрабоев, Н. Ю., Кушаков, Ф. А., Султанов, С. Ҳ., & Хасанов, М. Н. (2022). КОНФУЦИЙЛИК ХУСУСИЯТЛАРИДАН ХИТОЙ ФАЛСАФАСИНИНГ КЕНГАЙИШИ. *World scientific research journal*, 9(2), 37-42.
23. Ruzigul, U., Nasirjan, J., Dilmurodkhokim, A., Mirshod, H., & Urozboy, E. (2020). Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(5), 1453-1458.
24. Раматов, Ж. С., Эрнийёзов, У. К., Султанов, С. Ҳ., & Хасанов, М. Н. (2022). САНЪАТНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. *World scientific research journal*, 9(2), 65-70.